

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAHSUS TA’LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

MAGISTRATURA BO‘LIMI

Qo‘lyozma huquqida
UDK 36:35

ИСТАМОВ ЭЛШОД

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

Mutaxassislik: 5A231301 – Pensiya ishi

Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan

DISSERTATSIYA

Ilmiy rahbar: _____ i.f.n., dots. Z.A.Abdullayev

TOSHKENT-2017

**Dissertatsiya Toshkent moliya institutining “Pensiya ishi” kafedrasida
bajarilgan.**

Ilmiy rahbar _____ **i.f.n., dots. Z.Abdullayev**

Kafedra mudiri _____ **i.f.n., dots. B.Mamatov**

Magistratura bo‘limi boshlig‘i _____ **i.f.n., dots. U.Ortiqov**

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон танлаган ислохот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон моделига асос бўлиб хизмат қилган машҳур беш тамойиллардан бири - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ва кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга қаратилган. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлиги учун ўта муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган. Мазкур тамойилнинг аҳамияти ижтимоий зиддиятларнинг олдини олишга қаратилгани ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишни зарурий шarti эканлигидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ижтимоий сохани ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бунинг яққол далли қилиб Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси”нинг бир йўналиши “Ижтимоий сохани ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” деб номланиши ҳам бежиз эмас¹. Шунинг учун ҳам, ижтимоий сохани ривожлантириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2017 йил жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг мантиқий давоми бўлиб, иқтисодиётимизнинг салоҳияти, барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш йўлида, энг муҳими, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ва халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишларимизда янги ва юксак босқич бўлди.

Юртбошимиз “Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислохотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади,

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”

улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади”² деб ижтимоий сиёсатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини тушунтириб бердилар. Бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда.

2005 йилдан бошлаб эса “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни амалиётга татбиқ этилиши ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга қўйилган қадамлардан бири эди, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминланади. Шахсий пенсия бадалларни ажратишнинг мажбурий ва ихтиёрий шакллари бўлиб, фуқароларнинг пенсия таъминотига ажратган бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларига ҳисоблаб қўшилган фоизлар Халқ банкида очилган ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда даромадлар ҳисобга олинади. Республикамизда фуқароларга давлат пенсиясини ўз вақтида тўлаш билан бирга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тартибини назорат қилиш ва ҳисобрақамдаги маблағларни самарали бошқаришни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим масала саналади.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки Шайхонтохур туман бўлими мисолида танлаб олинган, тадқиқот предмети банкнинг молиявий-иқтисодий аҳволи, банкнинг “Жамғариб бориладиган пенсия бўлими” унинг фаолияти ва натижалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиётини янада ривожлантириш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

² Мирзиёев Ш.М. Танқилий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси булиши керак.- Т.: “ Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-104 бет

Магистрлик диссертациясининг олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотни олдида қўйидаги вазифалари белгилаб олинди:

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хориж тажрибалари;
- жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларни шакллантириш ҳолати таҳлили;
- жамғариб бориладиган пенсия тизими тўловларни амалга оширишнинг таҳлили;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда илғор хориж тажрибаларидан фойдаланиш йўллари бўйича илмий асосланган ҳулосаларни шакллантириш ва тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Диссертация ишида жамғариб бориладиган пенсия тизимини ўрганиш асосида уни такомиллаштиришга қаратилган масалалар, уни халқаро тажриба билан қиёслаш, жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги камчиликлар ва улар устида таклиф ва ҳулосалар бериш диссертациянинг илмий янгилигини тавсифлайди.

Тадқиқот асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштиришга, жамғариб бориладиган пенсиянинг самарали механизмини яратишга қўмаклашади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Иқтисодий ривожланиш жараёнида кўчмас мулк, шунингдек, унинг таркибий қисми ҳисобланган жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ривожланиши ва назарий асослари, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг илмий-методологик ва амалий жиҳатлари чет тадқиқотчилари ишларида кенг ёритилган. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг назарий-метадиалогик

муаммолари хориж иқтисодчи олимлар С.Г.Ерошенков, Г.Б.Поляк³, С.В.Кадомцева, С.З.Мощенский⁴ ва бошқалар.

Ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ривожланиши демографик омиллар асосида шаклланиб борган. Умуман олганда, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг амалий аҳамиятини ривожлантириш йўллари ушбу магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Магистрлик диссертациясини тайёрлашда ва унинг амалий қисмини таҳлил этишда динамик, қиёсий, дедуктив, мантикий, таққослаш усуллари.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация тадқиқот бўйича илмий изланиш жараёни натижаси сифатида ишда келтирилган илмий ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ривожлантириш йўллари ҳамда таълим йўналиши мавжуд бўлган ўқув юртлари таълим соҳасида қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси иши кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимларидан иборат бўлиб, жами 101 бетни ташкил қилади. Магистрлик диссертациясида 13 та расм ва 6 та жадвал маълумотларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг “Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асослари” номли биринчи бобида фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда пенсия таъминотининг ўрни ва вазифалари кўрсатилган, пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-назарий асослари ёритиб берилган, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ўрганилган.

Магистрлик диссертациясининг “Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиёти таҳлили” номли иккинчи

³ Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций. Учебник. - М.: “ЮНИТИ-ДАНА”. 2011. -463 с

⁴ Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: “Экономика”. 2010. - 235стр

бобида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ташкил этиш амалиёти кўрсатилган, шахсий жамғариб бориладиган пенсия даромадларини шакллантириш жараёни таҳлил қилинган, Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга оширилиши, жамғариб бориладиган пенсия таъминотидаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақни бошқариш асослари ўрганилган. Магистрлик диссертациясининг “Ўзбекистон Республикасида Жамғариб бориладиган пенсия тизими тараққиёти истиқболлари” номли учинчи бобда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш йўллари берилган. Ўзбекистон Республикасида пенсия фонди маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш имкониятлари аниқланган ҳамда Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари белгиланган.

Ишнинг хулоса қисмида мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизими бўйича ўрганилган назарий билимлар, таҳлил этилган ва тавсиялар шакллантирилган.

I-БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари

“Пенсия” - бу фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат фаолиятини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қонунчиликда белгиланган шартлар ва нормалар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловлар ҳисобланади”. Пенсия таъминоти эса ушбу тўловларни махсус Пенсия жамғармалари маблағлари ҳисобидан фуқароларга тўланишининг таъминланишидир. Яъни пенсия аҳолини иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Пенсия таъминоти тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир.

“Пенсия” атамаси XIX асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўлди. Бунга сабаб илм-фан, саноатнинг ривожланиши ҳамда ёлланма ишчилар синфининг ривожланиши бўлди.

Илк мартаба 1883-йил 15-июнда Германияда Рейхстаг томонидан «Касаллик бўйича давлат суғуртаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

1884-йилда “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш тўғрисидаги” қонун қабул қилинди.

1889-йил 22-июлда “Ногиронликадан ва қарияликдан суғурталаш тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Германиядан сўнг Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам аҳолини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Ушбу тизим секин асталик билан давлат ижтимоий суғуртаси тизимини шаклланиб боришига олиб келди.

АҚШда 1935-йил пенсия тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Россияда 1910-йилда пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўғрисидаги қонунлар қабул қилина бошлади.

Россия иқтисодчилари Карчевский В.В.Андросова Л.Д.Окунева Л.Е. Смирнованинг “Целевые бюджетные и внебюджетные фонды” ўқув қўлланмасида Россиядаги давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фондлар фаолияти ёритиб берилган. Мазкур ўқув қўлланманинг учинчи боби Россия Федерацияси Пенсия фондига бағишланган. Россия Федерацияси Пенсия фондининг фаолияти, ҳуқуқий асослари, манбалар бўйича даромадларни шакллантириш тартиби, пенсиялар ва нафақалар кўринишида харажатларини амалга ошириш, фуқароларга давлат пенсиясини тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби берилган. Россияда нодавлат пенсия жамғармаларининг ташкил топиши ва ривожланиши 1998 йил 7 майда Россия Федерацияси Президентининг “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги 75-сонли қарор қабул қилиниши билан боғлиқлиги, шахсий жамғариб бориладиган жамғармага мажбурий ва ихтиёрий бадалларнинг йиғилиши, жамғарма дафтарчаларининг очилиши, дафтарчаларнинг йўқолган ҳолатида янги дафтарчалар (дубликат)ни бериш тартиби, шахсий жамғармадан фуқароларга пенсия тўловларини тўлаш жараёнлари кўрсатилган. Россиялик иқтисодчи С.Г.Ерошенковнинг “Переход к накопительной пенсионной реформе: мировой опыт и возможности применения его в России” номли монографиясида давлат пенсия таъминоти тизимида ислохотларни амалга ошириш стратегияси жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқлиги кўрсатилган. Монография уч бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда ижтимоий таъминот, давлат пенсия таъминоти, Россия Федерацияси Пенсия фондини шакллантириш тарихи, молиявий фаолияти, фонднинг даромадлари ва харажатларини бошқариш жараёнлари кўрсатилган. Пенсия таъминоти тизимида ислохотларни амалга оширишга эътибор қаратилган. Иккинчи бобда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси ва хорижий давлатларда хусусий пенсия тизими ўрганилган. Учинчи бобда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотларни такомиллаштириш йўллари ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари кўрилган.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимининг яратилиши мазкур мамлакатнинг давлат пенсия таъминоти механизмига, ижтимоий сиёсатига, бандлик масаласини ҳал этилишига таъсир этиши ва демографик ҳолати билан боғлиқлиги тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим яратилгани эса, соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ижтимоий хизмат турларини кенгайтиришга кенг йўл очди.

Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Машҳур венгер иқтисодчиси Я.Корнай тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Улар ўртасидаги фарқ қисман молиялаштириш техникасида юзага чиқади. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг турли кўринишлари Европа мамлакатларида, МДХ давлатларида қўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидаги тақсимот-тортилувчи модели схемасига кўра аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия ҳаражатлари шаклланади ва аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Бошқача қилиб айтганда, жорий пенсия ҳаражатлари жорий даромадлар ҳисобидан қопланади. Ушбу тизим авлодлар бирдамлиги асосида қурилган. Бир авлод ичида эса, даромадлар аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари ўртасида табақаланди. Германияда тўлов интизомини рағбатлантирувчи балл тизими тақсимот моделини тўлдиради.

Чили эски пенсия тизимини ислоҳ қилишни янги тизимга ўтиш билан бир вақтда олиб борган мамлакатлардан биридир. Давлат пенсия таъминоти

бўйича қарзларни янги хусусий мажбурий жамғармаларни ташкил қилиш билан бир қаторда давлат пенсия фондига тушумларни қисқартириш шароитида олиб борди.

Чили модели - капиталлашган модел. Ушбу модел эркин бозор ислохотлари доирасида Чили мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. 1981 йилда эълон қилинган фармонга кўра, шу кундан бошлаб меҳнат муносабатларида иштирок этган ҳар бир киши учун давлат пенсия таъминоти бекор қилинди, бир вақтнинг ўзида улар хусусий пенсия фондларининг мижозига айланди. Капиталлашган модел схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия ҳаражатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисоб рақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти ҳаражатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуал ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш учун муайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига этиш зарур. Жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимида бадаллар капиталлаштирилади ва пенсия ҳисоби индивидуал ҳисоб асосида шакллантирилиб борилади, шахсий ҳисобларда жамғарилган жамғарма бадаллари пенсия даражасини белгилайди. Хорижий

тажрибалар шуни кўрсатадики, кексалар таъминотини молиялаштириш механизмининг уч хил тури мавжуд:

- барча мамлакатларда кенг тарқалган давлат бюджети тушумлардан молиялаштириладиган давлат пенсияларини тўлаш;
- ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларини амалга ошириш;
- молиявий-иқтисодий инқироз, инфляция, жамғармаларни йўқотишга ва кадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя кадрсизган суғурта тизимини ривожлантириш. Икки асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган пенсия тизими икки сектор томонидан молиявий таъминланади: давлат ва хусусий сектор.

Шартли-жамғариладиган ҳисобрақам тизимида ҳар бир ходимнинг ажратмалари унинг алоҳида ҳисобрақамида сақланади ва бу маблағлар фойда келтиради. Мазкур ҳисобрақамларга тушумлар ва уларга ҳисобланган фоизлар юритилади. Мазкур тизим Италия, Латвия, Польша, Швецияда жорий қилинган. Ўзбекистонга тўхталадиган бўлсак, XX асрнинг 10-йилларидан Чор ҳукумати озидага асосий регионларда катта-катта завод ва фабрикаларда суғуртага асосланган пенсия тизимини киритди. 17-йилларгача туб аҳоли пенсия тўрисида ҳеч қандай тушунчага эга бўлишмаган. Ўша вақтларда, Тошкентда 10 киши, Сирдарё вилоятидан атиги 4 кишига пенсия тайинланган.

1918-йилдан бошлаб эса ҳаммага пенсия бериш ташкил этилган.

1930-йилда Ўзбекистонда янгича пенсия тизими ташкил этилган. Унга кўра энди, ишчилар, ҳарбий хизматчиларга ҳам пенсия тайинланадиган бўлди.

1964-йилда колхоз ишчилари ҳам пенсия тизимига қамраб олинди.


Мустақиликка эришганимздан сўнг эса пенсия таъминотида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг мақсади: фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия

таъминоти соҳасидаги мунасабатларини тартибга солишдан иборат. Давлатнинг назорати остида иш берувчилар ва ишловчиларнинг шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан пенсияларни молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жихатидир.

“Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти- фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларидан давлат пенсиясига қўшимча пул маблағлари билан таъминлашдир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилади.”⁵



1.1-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш механизми⁶


Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир деган хулосага келиш мумкин.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини

⁵ "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун 2004-йил 2-декабр


⁶ Муаллиф томонидан мустақил тузилди

очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Халқ банки оладиган маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланади.



1.2-расм. 2015-йилдаги Пенсия ёшига етган фуқаролар⁷

Юқоридаги жадвалдан эса биз мамлакатимиз аҳолисининг 2015 йилдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимидан фойдаланиш кўрсаткичини куришимиз мумкин. Бу жадвалдан шундай хулоса келиб чиқадики, 60ёшдан ошган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаол иштирокчиларидир.



1.3-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари⁸

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари бўлиб қуйидагилар қатнашадилар: Солиқ органлари, Халқ банки, Молия Вазирлиги, Марказий банк, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси. Булар жамғариб бориладиган пенсия тизимида бевосита иштирок этиш билан бир қаторда унда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар Ўзбекистон жамғариб бориладиган пенсия тизими самарадорлигининг пасайишига олиб келувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда: жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлигининг инфляция даражасидан пастлиги, маблағларни жойлаштиришда муқобил манбаларининг мавжуд эмаслиги, индивидуал пенсия жамғармалари счетларидан маблағларни муддатидан олдин олишнинг мумкин эмаслиги ва бошқалар.

1.2 Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг меъёрий- ҳуқуқий асослари

Бизга маълумки, жамият ҳаётидаги ҳар қандай иқтисодий ижтимоий механизмлар фаолият юритиши учун биринчи галда ушбу механизмларнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилиши лозим. Ушбу асослар давлат томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилиши, мажбурлаштирилгандан, сўнгина механизм фаол ишлай бошлайди ва барча субъектлар томонидан унга риоя этилиши таъминланади. Шундай экан, демак, давлат пенсия тизими механизми ишлаши учун ҳам унинг қонуний- ҳуқуқий асослари яратилиши объектив ҳолатдир. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон

⁸ "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. 2004-йил 2-декабр.

давлати ўз мустақиллигига эришгандан сўнги давр ичида давлат пенсия тизимини қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш соҳасида бир қатор ишларни амалга оширди. Айтилиши мумкин, мамлакатимизда мавжуд бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосини қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: асосий ҳуқуқий асослар ва қўшимча ҳуқуқий асослар.

Асосий ҳуқуқий асосларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, ва бошқалар.

Қўшимча ҳуқуқий асосларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
- “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;
- “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида” Низом;
- “Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида” Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Қарори;

“Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Низом, ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги моддаларини жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ва умуман пенсия таъминотининг ҳуқуқий асоси сифатида қарашимиз мумкин:

36-модда: Ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Банкка қўйилган депозитлар сир тутилади.

37-модда: Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланишга ҳақли. Мажбурий меҳнат тақиқланади.

39-модда: Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқоттганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар миқдори энг кам пенсия миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 51- боби айнан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари суғурта бадалларига қаратилган.

Солиқ Кодексининг 179-моддаси 31-бандига асосан, 2010-йилнинг 1-январидан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳаққи ва бошқа даромадларининг Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараққрига ихтиёрий равишда йўналтирилган суммлари жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси 9 бўлим, 191 моддадан иборат бўлиб, ундаги ҳар бир моддадан биз фойдаланишимиз мумкин.

Республикаimizдаги аҳолининг ижтимоий таъминотини кучайтириш ҳамда пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарорига биноан “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан қуйидагилар белгиланди:

- 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди;

- 2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромад)нинг бир фоизи миқдорида амалга ошириш;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланиши ва бошқалар.

Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сон ва 282-В-сон қарори билан “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жағарилиб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди.

Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банки номидан Халқ банки томонидан омонатчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади ва Низом асосида бошқарилади.

Пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислохотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни Республикамизда бошқа ислохотлар билан жумладан, меҳнат бозоридаги, солиқ тизимидаги, молия ва кредит тизимидаги ислохотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Пенсия

тизимини молиялаштириш бўйича ислохотларни амалга оширишда миллий урф-одатларимиз, оилаларга, қарияларга ёрдам эътиборга олинishi керак. Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қуйидагиларни амал қилиш кўзда тутилган:

-жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;

-жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги тенг ҳуқуқлилиги шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурий даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшаши учун таъсир кўрсатиши;

- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимни барқарорлигининг давлат томонидан кафолатланиши;

-жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчини молиявий иштирокининг мажбурийлиги, зарурий ҳолатларда давлат субвенцияларининг жалб этилиши.

-жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўлашидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган маблағдан турли шаклдаги моддий ёрдам ва хизматлар кўрсатиши таъминланиши;

-аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;

-барча жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва натижада эга бўлинган ҳуқуқ ва кафолатлар нуқтаи назаридан тенглигини таъминланиши.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимиға бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш учун муайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ги ПҚ-110-сонли Қарорига асосан юридик шахслар томонидан жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб берилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.” Қонуннинг 5-моддасига асосан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозим.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги тегишли 595-сонли қарорини ижро этиш юзасидан Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан

жамғариб бориладиган пенсия тизимини амалда жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилган, шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилмоқда, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда катнашаётган фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалида амалга оширилиши белгиланди. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турмаган (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаган) ходимни ишга қабул қилишда, иш берувчи иш бошланган кундан бошлаб беш кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун ишга қабул қилинган ходимнинг шахсий маълумотлари кўрсатилган сўровномани юбориши (тақдим этиши) лозим”.

Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача ҳар ойда белгиланган шакл бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этаётган ходимлар реестрини жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базаси форматида электрон ҳужжат сифатида шакллантириши, иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банки филиалига электрон манбаларда тақдим этиши ёки уни интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий “тадбиркорлик субъекти кабинети” ёхуд интернет тармоғининг реестрни юбориш имконини берувчи бошқа сайтлари орқали бевосита жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига юбориши шартлиги белгилаб қўйилди.

Реестр ва электрон тўлов ҳужжатининг якуний қаторида кўрсатилган бадаллар суммаси, шунингдек, реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича якунлар тафовути бўлмаганда, реестрнинг маълумотлари Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритилади. Реестрни жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига киритиш жараёнида хатолар ва тафовутлар аниқланган тақдирда ушбу реестр қабул қилинмайди ва автоматик режимда хатоларни тузатиши ёки тафовутларни бартараф этиш учун иш берувчига қайтарилади. Агар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунигача иш берувчи реестрга тузатиш киритиш чораларини кўрмаса, Халқ банки филиали бу ҳақда давлат солиқ хизматининг тегишли ҳудудий органига чора кўриш учун хабар юборади.

Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар календарь йилининг охири кунидаги ҳолати бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида уларнинг манзилига Низом иловасига мувофиқ шакл бўйича хабарнома юбориш йўли билан Халқ банкининг филиали томонидан мажбурий тартибда хабардор қилинади. Хабарнома жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига муҳрланган конвертда почта орқали ёки интернет тармоғи орқали электрон шаклда юборилади ёхуд Халқ банки филиалининг ходими томонидан олувчининг имзоси қўйдирилиб шахсан берилади.

Бундан ташқари, олувчининг ихтиёрига кўра жамғариб бориладиган пенсия тўловлари хабарномаси СМС жўнатиш йўли билан ҳам юборилади. Натижада жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги йиғилган маблағлар тўғрисида мунтазам хабардор бўлиб борадилар.

Ўзбекистонда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини Ягона портал орқали очиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни

таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларини бажариш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 250-сон қарори билан ҳукуматнинг 2004 йил 21 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1. Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомда иш берувчилар, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга ошираётган фуқаролар учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиш мажбурий эканлиги белгилаб қўйилди.

2. Энди иш берувчи пенсия тизимида мажбурий тарзда қатнашаётган фуқароларни ёзма шаклда ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталининг шахсий “тадбиркорлик субъекти кабинети”да электрон шаклда ҳисобга қўяди.

Агар сўровнома ёзма тарзда расмийлаштирилган бўлса, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш, унинг учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштириш ишлари уч кунда, агар Ягона портал орқали электрон шаклда расмийлаштирилган бўлса, Халқ банки томонидан бир кунда расмийлаштирилади.

Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишда Халқ банки филиали уч иш куни мобайнида иш берувчига унинг ходимлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабарномани ёзма ёки электрон шаклда юборади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб

бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом ва бошқалар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда катнашаётган фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалида амалга оширилади.

Ҳисобга олиш учун иш берувчи ходимнинг паспортидаги маълумотлар асосида мазкур Низомнинг 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ходимнинг сўровномасини ихтиёрий тарзда ёзма шаклда ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталининг шахсий “тадбиркорлик субъекти кабинети”да электрон шаклда тўлдиради.

Сўровнома босма ҳарфлар билан тўлдирилади ёки машинкада ёзилади. Сўровномада тузатишлар киритишга ва бандларнинг асоссиз бўш қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда иш берувчи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан фуқаронинг идентификация рақамини (шахсий кодини) сўрайди ва у аниқлангандан кейин сўровноманинг тегишли устунига ёзувни қайд этади.

Ёзма равишда тўлдирилган сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги иш берувчининг раҳбари имзоси билан тасдиқланади. Агар ходим узоқ муддат бўлмаганлиги (касаллик, хизмат сафари, таътил ёки бошқа сабабга кўра) муносабати билан сўровномадаги мавжуд маълумотларни шахсан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаса, иш берувчи ушбу сабабларни сўровномада кўрсатади ва уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Тўлдирилган сўровномалар иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалига ёзма тарзда тақдим этилади ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали жамғариб бориладиган пенсия

тизими ягона маълумотлар электрон базасида ҳисобга қўйиш электрон шаклда юборилади

Халқ банки филиали сўровномани тўлдиришнинг тўлиқлигини текширади ва унда кўрсатилган маълумотларни Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритади.

Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон базасига автоматик режимда реестр келиб тушгандан кейин реестрнинг якуний қаторида кўрсатилган бадалларнинг якуний суммасини электрон тўлов ҳужжатида кўрсатилган бадаллар суммаси билан солиштирилади, шунингдек реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича якунларнинг тўғрилиги текширилади.

Реестр ва электрон тўлов ҳужжатининг якуний қаторида кўрсатилган бадаллар суммаси, шунингдек реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича якунлар тафовути бўлмаганда, реестрнинг маълумотлари Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

Реестрда кўрсатилган қаторлар ва устунлар бадаллари, якунлари мос келмаган тақдирда ушбу реестр қабул қилинмайди ва аниқлик киритиш учун бадал киритувчига автоматик режимда қайтарилади”;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом


Ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлашда Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада тўловларнинг бошланиш ва тугаш муддатлари кўрсатилади

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида Низом

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган ҳар қайси фуқаро учун, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур ҳужжатлар олинган ва Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган

пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади.

Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб бир кун муддатда расмийлаштирилади.



1.4-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчиларнинг ҳуқуқлари⁹

Шундай қилиб, биз юқоридаги 1.4-расм орқали фуқароларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқларини кўришимиз ва таҳлил қилишимиз мумкин.

Ижтимоий таъминотнинг ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган шаклларида бири жамғариб боириладиган пенсиялар бўлиб, унинг воситасида қариялар ва бошқа ижтимоий кўмакка мухтож шахслар қўшимча моддий таъминотдан манфаат кўриш имкониятларига эга бўладилар. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат

⁹ Муаллиф томонидан мустақил тайёрланди.

томонидан кўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш...»¹⁰ стратегик вазифалари белгиланди.

1.3 Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хориж тажрибалари

Пенсия тизими давлат пенсия таъминоти ва давлат пенсия суғуртасига асосланган мамлакатлар мавжуд. Масалан, Арманистон Республикасида пенсия ислохотлари қуйидаги йўналишларида олиб борилади. 1999 йил 2 декабрда Арманистон ҳукумати томонидан “Пенсия таъминотининг асосий стратегик қоидалари” тасдиқланди. Пенсия ислохотнинг асосий мақсадлари сифатида қуйидаги масалалар белгиланди: пенсияларни тўлашга йўналтирилган маблағлар самарадорлигини ошириш ва уларни қайта тақсимлаш; мажбурий пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш; ихтиёрий пенсия суғуртасини жорий этиш. Янги пенсия таъминоти тизимига ўтиш даврида меҳнат пенсияси уч қисмдан иборат. Талаб қилинадиган суғурта стажига эга бўлган шахсларга давлат томонидан кафолатланган таянч пенсия. Бундай тизимда меҳнат пенсияси камида беш йиллик иш стажига эга бўлганларга тайинланади. Суғурта стажининг якка (шахсий) тартибда ҳисобга олиш тизими жорий этилгунга қадар ҳар йили учун қўшимча тўловлар. Якка тартибдаги ҳисобварақлари жорий этилгандан сўнг ҳар бир суғурталанувчининг шахсий хиссасига караб ҳисобланадиган суғурта пенсияси, яъни бу пенсия жамғарилган суғурта бадалларини ва пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтида тахминий ўртача умр кўриш муддатини ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти соҳасидаги ўзгартиришлар натижасида тизим мукаммаллаштириш зарур: имтиёзли пенсиялар ва белгиланган муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсиялар бўйича пенсия таъминоти тизимини тартибга солиш, белгиланган муддатдан илгари пенсияга чиқаш тартибини бекор қилиш, ижтимоий тўловлар доирасини кенгайтириш,


¹⁰“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”.

мажбурий ижтимоий суғурта тўловларни ҳисоб-китоб қилиш базасини кўпайтириш, якка тартибда шахсий ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш.

АҚШда “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, мазкур Қонун Америка Қўшма Штатларнинг пенсия тизими учун энг илғор, инқилоб аҳамиятидаги янгилик бўлди. Унинг ёрдамида АҚШ ҳукумати кейинги ўнйилликдаёқ кам таъминланган қарияларнинг улкан армияси пайдо бўлиши хавфидан ҳоли бўлишга умид боғлади. Энг аввал қонун бўлажак пенсионерларни улар ишлаётган компанияларнинг касод бўлиши хавфидан ҳоли қилиш мақсади йўлида хизмат қилди. Масалан, ўз ишчи-ходимларига белгиланган пенсия таъминотини ваъда қилаётган иш берувчилар, ваъда қилинган пенсияъни 100%игача захира қилиб қўйишлари керак. Пенсияни тўлаш ваъдаси ходимга бугун берилиб, унинг тўланиши кўп йиллар ўтганидан сўнг амалга оширилар экан, Америка компаниялари зарурий воситаларни алоҳида ҳисобрақамларида дарҳол тўплашни бошлайдилар. Лекин мазкур пуллар ишбилармонлик фаолиятида мавжуд бўлади ва демак, айна соҳа билан боғлиқ бўлган барча хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шу сабабдан фирманинг касодга учраши тақдирида бўлажак пенсионерлар пул-маблағ воситаларисиз қоладилар. Пенсия захираларининг 80%идан камроқ миқдорини амалга оширишни таъминлаган компаниялар, ўз ходимлари учун шундан кейинги янада юқори даромадли ва лекин янада юқори хатарли пенсия инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Энди иш берувчиларга ўз ходимларини ўз компанияларининг акцияларига пенсия жамғармаларини сармоялашга мажбур этиш таъқиқланди.

Тадқиқод бўйича олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорирок даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар

Ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялашмақсадида жамлаш билан шуғулланадилар. Мамлакатда бозор муносабатларининг такомиллаштириш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши молиявий муассасаларда, умуман хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли маблағларга бўлган талабни кучайтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташласак, муомалага “узун” молиявий ресурсларни таклиф этишда суғурта компаниялари, инвестиция ва пенсия фондлари каби банкдан ташқари молия институтлари ўрни бекиёсдир. Халқаро амалиётда узун пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия фондлари ҳам муҳим молиявий бугинлардан ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чиққунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қўғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан нодавлат пенсия жамғармалари томонидан мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган узун молиявий активлар улушини айрим хорижий давлатлар мисолида кўриб чиқамиз.



1.5-расм. 2013 йилда Хорижий давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари маблағларининг ЯИМдаги улуши¹¹

Россия иқтисодчиларидан СВ. Кадомцева “Государственные финансы” номли ўқув қўлланмасида “Макроиктисодиётнинг асосий муаммолари ва давлат сектори” номли параграфда айнан давлат пенсия тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масаласига тўхталади. Унинг фикрига кўра, “давлат пенсия таъминоти тизимининг амал қилиши хусусий жамғармаларнинг даражасини камайтиради. Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларни олиб борилиши шахсий жамғармаларни ҳажмини оширди, демак иқтисодиётга инвестициялар ҳам ошди. Келгусида хусусий жамғаришга тўлиқ ўтиш ва ижтимоий суғурта бадалини ошириш, пенсия жамғармаларига бадалларни кўпайтириш ва акционерлик жамиятлари томонидан инвестициялар йўналтиришни камайтиришга ва капитал бозоридаги ўзгаришларга олиб келади”¹².

Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига қараганда ўртача 30 фоизга юқори бўлган пенсия миқдорини таъминлайди. 2000 йилда хусусий пенсия фондларининг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этди, 2020 йилга бориб эса бу даража 130 фоизга этиши мумкин. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, аҳолини кредитлашга энг кўп қизиқувчан муассасалари кредит - молия институтлари ҳисобланади. Булар -

¹¹ Диаграмма интернет маълумотлари асосида тузилди

¹² СВ. Кадомцева “Государственные финансы” номли ўқув қўлланмасида “Макроиктисодиётнинг асосий муаммолари ва давлат сектори” номли параграфи

хусусий пенсия жамғармалари, ссуда-жамғарма уюшмалари, кредит иттифоқларидир. Махсус кредит институтларининг бир қисми иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг муайян соҳасини ёки аҳолининг муайян табақасини молиялаштириш билан шуғулланади. Яъни маблағларни омонатга жалб этади, қимматли қоғозларни чиқаради, суғурта полисларини сотади, шу каби йўллар билан фаолият кўрсатади. Хусусий пенсия жамғармалари ссуда сармоялари бозорида, қимматли қоғозлар бозорида, кредит-молия тизимида муҳим замонавий ҳодисадир. Хусусий пенсия жамғармалари имкониятларининг моҳияти омонатчиларнинг маблағларини тўплаш, сақлаш, кўпайтириш, пенсия тўловларини таъминлаш ҳисобланади. Фондлар активларининг асосини қимматли қоғозлар билан бўлган операциялар ташкил этади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, жамғариладиган Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат.

Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя этишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тўзилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот ҳаражатларини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, пенсия тизимини фақат давлат томонидан молиялаштириш етарли самара бермайди. Ҳозирги кунда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш: минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларига қўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида, хусусий пенсияни таъминлаш белгиланган. АҚШ, Голландия, Буюк Британия, Германия, фойдаланилади. Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иқтисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислохотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислохотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади.


Пенсия тизимига суғурта бадалларини қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган ҳисобдан фойдаланган ҳолда молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олган ҳолда пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Бундан келиб чиқадики, агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, ҳозирги пайтда пенсия тизимини ривожлантириш ва молиялаштириш борасида дунё амалиётида катта эътибор қаратилаётган жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш чораларини кўриш зарурдир. Пенсияни молиялаштиришнинг жамғарилган механизмидан фойдаланиш субъекти бўлиб, пенсия таъминоти ва суғуртанинг нодавлат институтлари ҳисобланади. Шу сабабдан, жамғарма механизмлари дастурини умумдават пенсия суғурта тизимига жорий этишда пенсия жамғармалари маблағларини бошқариш бўйича тажрибага эга мамлакатлар амалиётини чуқур таҳлилий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

1.1-жадвал**Давлат ва хусусий пенсия жамғармалари захира жамғармаларининг
давлат ЯИМ га нисбатан улуши ¹³**

Давлатлар	Хусусий жамғармалар		Давлат пенсия жамғармалари	
	ЯИМ даги улуши	Млн. АҚШ доллар	ЯИМ даги улуши	Млн. АҚШ доллар
Австралия	102.2	1 440 898	6.1	85 597
Галландия	148.7	1 335 092	х	Х
АҚШ	83.2	13 946 142	16.5	2 764 431
Канада	70.8	1 260 157	17.2	307 370
Чили	62.3	162 988	2.8	7 335
Швейцария	113.4	807 893	х	Х
Филландия	48.7	135 651	27.0	75 211
Франция	0.4	11 860	2.5	71 575
Германия	6.1	236 932	х	Х
Буюк Британия	99.6	2 810 564	х	Х
Исландия	141.2	22 986	х	Х
Ирландия	52.3	126 188	х	Х
Исроил	50.5	152 679	х	Х
Италия	6.0	132 168	х	Х
Япония	29.2	1 331 231	26.8	1 223 863
Корея	6.0	81 555	29.9	404 543

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкунки, ривожланган давлатларда хусусий жамғармалар улуши давлат жамғармаларидан анча кўп. Масалан, Австралияда Хусусий жамғармаларнинг ЯИМ даги улуши 102,0 % яъни 1 440 898 млн. АҚШ доллар. Давлат пенсия жамғармаларининг

¹³ Муаллиф томонидан мустақил тайёрланди



1.6-расм. Ривожланган давлатларда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши (фоизда)¹⁴

эса ЯИМ даги улуши 6,1% бу дегани 85 597 млн. АҚШ доллар. Голландияда эса бу кўрсаткич хусусий жамғармалар ЯИМнинг 148% миқдорини ташкил этади, давлат пенсия жамғармалари эса йўқ. АҚШда хусусий пенсия жамғармалари ЯИМнинг 83%ни ташкил этади, давлат пенсияси эса 165%ни ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Филандияда хусусий пенсия жамғармалари ЯИМнинг 48%ни давлат пенсиялари эса 27% ни ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Германия, Буюк Британия, Исландия, Ирландия. Исроил ва Италия каби давлатларда давлат пенсиялари мавжуд эмас, аксинча уларда хусусий пенсия жамғармалари муҳим ролни ўйнайди. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкунки, Франция ҳамда Корея мамлакатларида ҳали ҳамон давлат пенсияси хусусий жамғармалар нисбатан устунлик қилмоқда.

I боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари муддатига кўра, узун молиявий ресурслар сифатида қаралади.

¹⁴ www.stat.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти соҳасидаги ўзгартиришлар натижасида тизимни мукаммаллаштириш зарур: имтиёзли пенсиялар ва белгиланган муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсиялар бўйича пенсия таъминоти тизимини тартибга солиш; белгиланган муддатдан илгари пенсияга чиқиш тартибини бекор қилиш; ижтимоий тўловлар доирасини кенгайтириш; мажбурий ижтимоий суғурта тўловларни ҳисоб-китоб қилиш базасини кўпайтириш; яқка тартибда шахсий ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш. Ривожланган мамлакатларда нодавлат пенсия фондлари тараққий этиб бормоқда. Нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан қафолатланган энг кам миқдордан юқорироқ даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига егадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин. Ҳар қандай давлат учун пенсия жамғармаларининг молиявий имкониятлари муаммоси муҳимдир. XXI аср бошларида жаҳон пенсия тизимини ислоҳ қилишда кўплаб давлатлар пенсия чиқиш ёшини ошириш бўйича ишларни амалга оширди. Ҳаттоки, АҚШ ва Германия каби мамлакатлар ҳам пенсияга чиқиш ёшини кўтариш масалаларини кўриб чикди. Умумжаҳон банкининг маълумотларига кўра 2010 йилда меҳнат ёшидаги аҳолининг улуши Европа

ва Мараказий Осиё мамлакатларида 43,5 фоизни (1990 йилга нисбатан 12,3 фоизга камайган) ташкил этмоқда. Ҳозирда Европа иттифоқи мамлакатларида 100 миллион атрофида кекса ёшдаги кишилар яшайди ва 60 ёшдан ошган шахсларнинг умумий аҳоли сонидagi улуши 20 фоизга яқин. Прогнозларга кўра 2025 йилга келиб 65 ёшдан ошган кишилар сони 21 миллион кишига ортади, потенциал фаол аҳоли улуши эса 15 миллиондан кўпроққа қисқаради. Ҳозирги пайтда пенсия ёшини ошириш тўғрисидаги масаланинг қўйилиши, бир қарашда мақсадга мувофиқ туюлади. Бундай фикр тарафдорлари Ғарб тажрибасига урғу беришади. Албатта, ривожланган бозор иқтисодиётига ега мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши Ўзбекистонга нисбатан анча юқори бўлиб, бу кўрсаткич борасида турли давлатларда тебраниш мавжуд. Бир қатор давлатларда жинсидан қатъий назар пенсияга чиқиш ёши сифатида бир хил ёш белгиланган, жумладан, Германияда, Испанияда, Японияда – 65 ёш, Францияда – 62 ёш ва АҚШда эса – 66 ёш қилиб белгиланган. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, пенсияга чиқиш ёшини сезиларли ошириш, асосан олдинги пенсия ёши нисбатан паст бўлган мамлакатларда кутилмоқда. Масалан, Италияда 2016 йилдан аёллар ёшини 65 ёшгача ошириш режалаштирилмоқда. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, Францияда пенсия ёшини 2 йилга ошириш ҳисобига қатор тартибсизликлар рўй берди. Мамлакатимизда пенсия таъминотининг амал қилиш шароитларини таҳлил этиш узок ўтиш даври, ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш билан бир вақтда ўртача яшаш ёши давомийлигини оширишни талаб этади.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1 Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш ва бошқариш амалиёти таҳлили

Республикамизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. “Жамғариб бориладиган пенсия тизими” молиявий категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларни шакллантириш ва кексалик чоғида фойдаланишнинг шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.


Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмайди. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин”.

Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда пенсия тизимида жамғариладиган маблағлардан инвестиция сифатида фойдаланиш, яъни

пенсия бўйича жамғариладиган маблағларни иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жойлаштириб, ундан фойда олиш кенг йўлга қўйилган. Бу иш билан турли даражадаги банклар, компаниялар шуғулланишади.

Хорижий мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти мавжуд, унинг зарурлиги қуйидаги икки асосий сабабдан келиб чиқади (2.1-расм).



2.1-расм. Давлат ва нодавлат пенсия фондлари заруриятининг сабаблари¹⁵

Ўзбекистонда илмий жиҳатдан асосланган пенсия тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг зарур шarti жаҳон ютуқларидан ва хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлди. Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига этган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш,


¹⁵ Қосимова Г.А. "Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари". Монография. -Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ" 2008..89-бет

пенсия олувчиларга давлат пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек, натижада республикамизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга¹⁶. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига 2 хил аъзо бўлиш мумкин¹⁷:

– иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир;

– яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар (2.2-расм).



2.2-расм. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши¹⁸

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

¹⁶ „Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида“ги Қонун 2004-йил 2-декабр N 702-ІІ, 5-модда.

¹⁷ юқоридаги Қонуннинг 2004-йил 2-декабр N 702-ІІ, 6-моддда.

¹⁸ Қосимова.Г.А.Каримова.З.Х “Бюджетдан ташқари фондлар”. Ўқув Қўлланма.-Т .: “ІQTISOD-MOLIYA”.2009. 212-б.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга биноан мазкур тизимнинг маблағлари Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига, ипотека облигацияларига, республикада муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматли қоғозларга, банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга, шунингдек, қонунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан бошқа объектларга жойлаштирилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини амалга оширувчи Халқ банкининг сўнгги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари барқарор суръатларни қайд этмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига Халқ банкининг кредит қўйилмалари ҳажми 1 трлн. 883 млрд. сўмни ташкил қилди. 2015 йилда банк томонидан 12109 та кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик вакилларига 1 трлн. 6,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 2014 йилга нисбатан 134,8 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан, 7 581 та тадбиркорга ажратилган микрокредитлар ҳажми 305,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 1,4 баробарга ёки 138 фоизга ўсиши таъминланди (2.1-жадвал).

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

2.1-жадвал

Халқ банкининг асосий кўрсаткичлари¹⁹ (млн.сумда)

	Кўрсаткичлар номланиши	01.01.2015 й.	01.12.2015 й.	01.01.2016 й.	01.04.2016 й.
1	Жами капитал	349470,3	449315,8	454957,4	498831,6
1.1	Устав капилати	200000,0	239000,0	254000,0	259000,0
2	Жами активлар	2986934,3	3678023,0	3585007,8	3866652,8
3	Кредит кўйилмалари	1614636,3	1850077,2	1883225,4	1867187,6
4	Кичик бизнес субектларига ажратилган кредитлар	746830,5	955661,7	1006922,5	284617,0
5	Жалб ққилинган депозитлар қолдиғи	2420738,2	2822136,4	2953763,2	3033275,0
5.1	шу жумладан, аҳоли омонатлари	1694565,5	2036886,9	2088409,6	2164876,3
6	Филиаллар сони	196	197	197	197
7	Мини банклар сони	31	35	35	30
8	Банкнинг бошқа муассасалари сони (жамғарма, коммунал, махсус ва кўчма кассалар)	1 331	1 299	1 287	1 300

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
- жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

¹⁹ www.xb.uz.интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

– шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

– қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Мамлакатимизда маълумотларга кўра, 2015 йилда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан 9256100 нафар фуқаро фойдаланмоқда. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қўйилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда. Жорий этилган мазкур тизим амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига этган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинди. Халқ банки:

–қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

–шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

–жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

–жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек, улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

–жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвеститсия ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул кадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

–шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек, уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши ва бошқалар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани сабабли давлат қимматли қоғозлари муомалада мавжуд эмас. Шунингдек, ипотека облигациялари эмиссия қилинмаган, листингдан ўтган корпоратив қимматли қоғозлар ҳажми чегараланган. Фақатгина тижорат банкларга миллий валютада депозитларга жойлаштириш имконияти кенгрокдир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан 9 млн. 256 минг 100 нафар фуқаро фойдаланмоқда. Халқ Банки томонидан маблағларга ҳар йили фоизлар пул кадрсизланишини ҳисобга олган ҳолда қўшиб берилмоқда.

Бугуги кунда пенсия ёшига этган кекса ёшдаги фуқаролар ҳар ойда олинадиган давлат пенсиясига қўшимча равишда бирданига ёки қисман олиш йўли билан ҳисобварақларидаги маблағларни Халқ банки филиалларидан олишмоқда.

**Фуқароларнинг шахсий жамғариб борилдиган пенсия
ҳисобрақамлари бўйича хизмат кўрсатиш²⁰**

1	Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ухун мажбурий тартибда иштирок этувчиларга сўровнома ва ихтиёрий тартибда иштирок этувчиларга ариза сўровнома бланкасини тақдим этиш	Бепул
2	Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги қолдиғи миқдорида нақд пул бериш	Бепул
3	Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи эгасининг ёзма аризасига биноан пул маблағларини банк филиали томонидан хизмат кўрсатилаган ҳудуд доирасида турар жойига ўқазиб бериш	Минимал иш ҳаққининг 5% миқдорида+ўтказилган маблағларнинг 2%аммо 1000 сўмдан кам бўлмаган
4	Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи эгаларига шахсий ҳисобварақ айланмаси ва қолдиғи ҳақида маълумот бериш белгиланган тартибда йилда бир марта	Бепул
5	Қолган вақтларда ҳисобварақ аёгасининг аризасига биноан(ҳар бир ҳолат бўйича	Минимал иш ҳаққининг 5% миқдорида
6	Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи эгасининг ёзма аризасига биноан,олинган Товар ва кўрсатилаган хизматлар ҳамда коммунал тўловлар учун нақд пулсиз маблағ ўтказиш	
7	Бир марталик тўлов топшириқномаси бўйича	300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда(ҳар бир ҳолат учун)
8	Кўп марталик тўлов топшириқномаси бўйича	300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда(ҳар бир ҳолат учун)
9	Ҳисобрақам эгасининг ёзма аризасига биноан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларни ўз номига ёки исталган бошқа шахснинг номига очилган омонат ҳисобварақларига, шу жумладан,плстик карточкага ўтказиш	
10	Шахсий ҳисобварақ очилга филиалда	Бепул
11	Халқ банкининг бошқа филиалларига	Ўтказилган маблағларнинг 0.5% миқдорида
12	Бошқа тижорат банкларига	Ўтказилган маблағларнинг 0.5% миқдорида
13	Ҳисобрақам эгасининг ёзма аризасига кўра ёқолган ёки яроқсиз ҳолга келтирилаган пенсия дафтарчаси ўрнига янги дафтарча(дубликат)бериш	
14	Биринчи марта	Минимал иш ҳаққининг 20% миқдорида
15	Иккинчи ва кейинги ҳолатларда	Минимал иш ҳаққининг 50% миқдорида

²⁰ www.xb.uz Интернет сайти асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бундан ташқари, мижозлар иш ҳақларининг бир қисмини ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтиришлари мумкин. Бундай ҳолларда ушбу маблағларга “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтимёзни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, даромад солиғи солинмайди.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартириш киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Татбиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга, хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор этмайди. Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек, марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тизими тамойиллари асосида ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Жамиятни ривожланишида ижтимоий тенглик, ижтимоий кафолатларни таъминлаш аҳоли турмуш даражасини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Бизнинг фикримизча, “авлодлар бирдамлиги” (давлат) пенсия тизими билан бирга босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ равишда, изчиллик билан амалга ошириш

зарур. Бунинг натижасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича иш берувчи тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги юкни камайтириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари яратилади.

Ҳозирги кунда хорижий давлатлар амалиётида пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш – минимал пенсияъни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассотсиатсия ёрдамида ўзининг иш берувчиларга қўшимча пенсияъни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида хусусий пенсияъни таъминлаш белгиланган.

Қонуннинг ижроси юзасидан Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимини амалда изчил жорий этиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очилди, шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилиб жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига эмас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми амал қилмоқда. Бунда, фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўналтириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқ банки билан биргаликда иш берувчилар томонидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадалларни

қўшиб тўлаш тартибини амалга оширади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига бадаллар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан солиққа оид амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари қўлланилади. Солиқ органлари белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш, шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига бадалларни тўғри ҳисобланиши ва белгиланган тартибда ўтказилиши юзасидан назорат тадбирлари ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, хўжалик юрutiчи субъектларда 2015-йилнинг 1-май ҳолатига ўтказилган текширишларда 43 та ҳолатда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига бадаллар ҳисобламаслик белгиланган муддатларда Халқ банкида очилган ҳисобварақларга маблағларни кўчирмаслик ҳолатлари аниқланиб, бюджетга 4194,1 минг сўмлик устама жарималар ҳисобланмиб ундирилди ва 17 та хўжалк юрutiувчи субъектларнинг 28 нафар мансабдор шахсларга нисбатан суд органлари томонидан 2289,4 минг сўмлик мажбурий жарималар қўлланди.

Жамғариб бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланивчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади.

2.2. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш ҳолати таҳлили

Маълумки, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти даромадлари шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларнинг

шакллантирилиши билан изоҳланади. Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан, ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.


Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек, учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан, учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат пенсия таъминотининг ташкилий жиҳатдан икки шакли мавжуд, яъни авдодлар бирдамлиги давлат пенсия таъминоти тизими ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия

таъминоти тизими. Қуйидаги расм орқали эса биз мамлакатимизда мавжуд бўлган пенсияларни даромад манбаларини кўришимиз мумкин. Яъни бизнинг жамғариб бориладаган пенсиямиз фақатгина даромад солиғидан 1% миқдорида ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг молиявий манбалари қуйидагилардан иборат (2.3- расм):



2.3-расм. Давлат пенсия таъминотининг молиявий манбалари²¹

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат солиқлар ва йиғимларига тенглаштирилади. Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 53-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Низомида белгиланган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағлар ва улар миқдорлари ҳамда тўлов

²¹ Қосимова.Г.А.Каримова.З.Х Бюджетдан ташқари фондлар.Ўқув Қўлланма. -Т .: “ИQTISOD-MOLIYA”.2009.

муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қуйидаги 2.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки Пенсия жамғармасининг даромадларини шаклантиришда муҳим ўрнини юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар (бунуги кунда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоизни ташкил қилади) эгалайди. Ягона ижтимоий тўловдан тушумлар 2012 йилда 4799,2 млрд. сўм, яъни 59,5% жами даромадларга нисбатан ташкил қилган. 2013 йилда 5907,4 млрд. сўм, яъни 51,7%, 2014 йилда 7299,5 млрд. сўм, яъни 56,1% ташкил қилган. 2012-2014 йилларда даромадлар бўйича ўсиш суръатлари 152% ташкил қилган. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга тортилмайди. Иш берувчилар фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар бюджетга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш учун белгиланган шакл ва муддатларда ажратадилар. Белгиланган тартибда натурада тўлайдиган ёки маҳсулот сотилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилишидан олинган тушумдан тўловни амалга оширадиган иш берувчи тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун мобайнида бадаллар суммасини ўтказиши шарт.

2015 йилга шу даромад манбаси бўйича тушумлар 8324,2 млрд. сўмни ташкил қилган. Республика бўйича жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида 2012 йилнинг 1 январ ҳолатида жами 7077897 нафар фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган, шунингдек, иштирокчилардан 6870322 нафарига жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тарқатилди. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки

фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларни марказлаштирилган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари таркиби ва тузилиши²²


Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	млрд. сўм		млрд. сўм		млрд. сўм		млрд. сўм	%
Даромадлар	8065,4	100	10302,1	100	13013,7	100	16557,0	100
Йил бошига қолдиқ	280,1	3,5	602,2	8,8	1067,3	8,2	2592,0	15,7
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушумлар	4799,2	59,5	5907,4	51,7	7299,5	56,1	8324,2	50,3
Фуқароларнинг мажбурий бадаллари	1110,2	13,8	1482,7	14,4	1877,2	14,4	2463,8	14,9
Маҳсулот сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1401,5	17,4	1591,3	15,4	1933,0	14,9	2063,8	12,5
Бошқа даромадлар	474,4	5,8	718,5	9,7	836,7	6,4	1113,1	6,7

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларини очиш, уларни юритиш тартибига риоя қилиш, бадалларни тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни молия, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, ушбу органлар орасида ўзаро ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Юқорида қайд этилган икки ҳолатда ҳам Халқ банки тизим иштирокчиларига умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларини очади ва

²². Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланди

белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ёзиб беради. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.



2.4-расм. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида маблағларни шакллантириш манбалари²³

Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурий иштирок этади, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар. Бунда тизимда мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчилар томонидан тақдим этилган сўровнома асосида улар жойлашган ҳудуддаги Халқ банки филиалларида амалга оширилади, ихтиёрийлик асосида иштирок

²³ "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Конуни. 2004-йил 2-декабр.

этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган икки ҳолатда ҳам Халқ банки тизим иштирокчиларига умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларини очади ва белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ёзиб беради. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

2.4-жадвал

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ресурсларининг ЯИМ даги улуши ва динамикаси (% да)²⁴

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	ЯИМнинг ўсиши	8.1	8.5	8.3	8.4	8.4	8.1	8.0	7.8
2	ФЖБПТ молиявий ресурсларнинг ўсиши	58.0	48.3	44.0	40.7	30.6	30.1	30.2	30.1
3	ЯИМга нисбатан улуши	0.14	0.15	0.17	0.18	0.18	0.17	0.18	0.17

Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ортиши кутилмоқда. Айни вақтда мамлакат пенсия тизимининг узок муддатли келажакка мўлжалланган мақсади пенсионерларни муносиб турмуш тарзи билан таъминланганлигига эришиш ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан, ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромад суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга

²⁴ www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчи ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига қўшимча бадаллар ўтказиши мумкин. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Лекин иш берувчилар томонидан жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши тайинланади.

Тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига, шу жумладан, учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар. Шунингдек, Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни ҳисоблаб қўшади. Фоиз даромадлари жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 кунигача Халқ банки филиалига ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган бадаллар реестрини тақдим этади. Реестр корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва муҳр

билан тасдиқланади. Иш берувчи реестр билан биргаликда Халқ банки филиалига ҳисобот даврида киритилган бадаллар суммаси Халқ банкига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг нусхасини тақдим этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш юзага келган тақдирда олишлари мумкин. Бунда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 179-моддасига асосан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши, иш берувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек, ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисоб-варақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш мансабдор шахсларга энг кам иш

ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан этти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Пенсия тизими фаолиятини техник модернизатсия қилиш асосида, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш Пенсия жамғармаси ўз олдига қўйган устувор вазифалардан биридир. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу борада тизим фаолиятига замонавий веб-технологияларни жорий этилишининг мантиқий давоми бўлиб, пенсия жамғармаси тизимида тезкор электрон ҳужжат алмашинуви ва кадр мажмуи бўйича – Персона дастурийтаъминоти ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий қилинишини таъкидлаш мумкин²⁵.

Бугунги кунда амалда қўлланилаётган “Пенсия” дастурий мажмуаси республиканинг барча минтақаларида татбиқ этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлайди. Мазкур дастурнинг келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот

²⁵ Қосимова Г.А. Ботиров. А. “Ижтимоий соҳани бошқариш ва молиялаштириш” Монография.-Т.; “Тамаддум” 2016. 197-бет

алмашинувини ташкил этишни қайд этиш мумкин. Бинобарин, 2012-2014 йиллар давомида тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига боғланиш ҳамда ушбу дастурлар билан ўзаро ахборот алмашинув йўналишлари қуйидагилардан иборат. Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари:

- тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш;

- ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;

- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви;

- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш.

Ўзбекистон Республикасида Халқ банки бошқарув жараёнларини автоматлаштиришда замонавий ахборот коммуникатсия технологияларини жорий этиш, электрон ҳужжат айланмаси тизимини кенгайтириш ва ахборот коммуникатсия технологиялари тизимини мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тузилди. Чора-тадбирлар режасида “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ахборот тизимларини ривожлантириш” бўлимида қуйидагилар кўзда тутилди:


- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базаси билан интегратсиялаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар туркумини кенгайтириш;

– фуқаролар учун фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурида ўз ҳисоб-рақамларини интернет, мобил қурилма, ва СМСлар орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш;

– фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги фойдаланишга топширилган “Электрон реестрларни қабул қилиш” интерактив хизматини ривожлантириш мақсадида, банкда яратилган “Банк иккинчи даражали рўйхатга олиш” тизими базасида электрон рақамли имзони рўйхатга олиш марказига литсензия олиш ва иш фаолиятини ташкил этиш.

Пенсия жамғармалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар оммабоп бўлишининг зарурий шарти тўловлар юқори даражада кафолатланганлигидир.



2.5-расм. Жамғариладиган пенсия тизимида маблағлар

қолдиғи,млрд,сўмда²⁶

Юқоридаги расм орақали биз жамғариладиган пенсия тизимидаги маблағлар улушини кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки жамғариб бориладиган пенсия тизимида маблағлар қолдиғи суммаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими бизда 2005-йилда жорий қилнган бўлса ўша йилларда маблағлар қолдиғи 18,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2012-йилда эса 802,4 млрд.сўмни ташкил этган бу эса 7 йил мобайнида пенсия тизмида етарли

²⁶ www.xb.uz интернет сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

даражада юксалиш бўлганини кўрсатмоқда. 2015 йилнинг январь ойи ҳолатига Ўзбекистонда пенсионерларнинг сони 3203,9 минг кишини ташкил этиб, ўртача пенсия миқдори ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан 45 фоизни ташкил этди²⁷. 2030 йилга бориб мамлакатда пенсионерларнинг сони 6181,2 минг кишини ташкил этиши кутилмоқда²⁸.

2.3. Жамғариб бориладиган пенсия тизими тўловларини амалга оширишнинг таҳлили

Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвеститсия ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвеститсия ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Пенсия фонди маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти томонидан ҳисобланган

эга. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлинган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли олувчи томонидан белгиланади. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади.

Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган. 2015 йил якунлари бўйича инфляциянинг йиллик ставкаси 5,6 фоизни ташкил қилди.

Бугун республикамызда 6744732 нафар фуқаро номига шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилган. “Тома-тома кўл бўлур” мақолининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига дахли бор. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган. Шу жумладан, Ҳукуматимиз томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўловчи корхона-ташкilotларнинг масъулияти оширилиб, бундай ижтимоий аҳамиятдаги маблағларни ўз вақтида ҳамда этарли миқдорда тўлаш талаби қўйилган. Лекин кейинги пайтда айрим корхоналар, айниқса, хусусий савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, қурилиш фирмалари ва фермер хўжаликлари

ишчиларига ҳужжатлар бўйича кам иш ҳақи ҳисобланиб, унга нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан ушланадиган тўловлардан қочиш, кўпроқ “конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундай “рағбатлантириш” усули иш берувчи томонидан ишчилар манфаатига тамоман зид ҳаракатдир. Фуқароларга ёшга доир пенсияларни тайинлашда унинг миқдори иш ҳақиға нисбатан ҳисобга олинади. Масалан, оғзаки тавсиянома билан ишга кирган ресторан ходими ёки қурилиш фирмасида ишлашни хоҳлаётган қурувчи балки, ойига ўртача икки-уч юз минг сўм даромад қилиши мумкин. Бироқ, бу кейинчалик ана шу ходимнинг келажигига таъсир кўрсатмайди, дегани эмас. Қоғозбозлик қилмаслик баҳонасида жисмоний солиқлардан даромад солиғи ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлашдан бош тортаётган бу “ҳужжатсиз ходимлар” ўзлари учун бир кун келиб касаллик варақаси, меҳнат ва ҳомиладорлик нафақаси, пенсия билан боғлиқ муаммолар келиб чиқишини тасаввур ҳам этишмайди. Чунки, уларни ишга олаётганда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки диплом ҳам талаб қилинмайди. Шу билан бирга меҳнат шартномаси ҳам тузилмайди. Оқибатда норасмий вакил сифатида фаолият юритувчи ходим меҳнат муҳофазаси, ижтимоий суғурта ва қонунда кўзда тутилган ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларидан ҳам четда қолаверади. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, муддати белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари бериш орқали таъминланадиган дам олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган

бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини бирданига олишлари мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;
- бундай тўловларни оловчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;
- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари оловчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига илова қилинган “Фуқароларнинг шахсий

жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар ёши, ногиронлиги бўйича давлат пенсияси ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсия (агар пенсиянинг ушбу тури жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ўзига тайинланса) олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган пул маблағлари доирасида белгиланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун фуқаролар тегишли шакл бўйича гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза билан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қиладилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қатнашчиси бўлган ходим томонидан вакил қилинган иш берувчининг мансабдор шахси ариза берувчи бўлиши мумкин. Бу ҳолда ариза жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган ариза давлат пенсияси олиш ҳуқуқи юзага келгандан кейин, бирон-бир муддат билан чекланмаган ҳолда, исталган вақтда берилиши мумкин.

Аризага жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси, шунингдек, фуқаронинг ёши,

ногиронлиги ёки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсияси олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Агар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тўғрисидаги мурожаат ёши ёки ногиронлиги бўйича давлат пенсияси тайинлангандан кейин тушган тақдирда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан бериладиган белгиланган шаклдаги пенсия гувоҳномаси илова қилинади ва бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди. Ариза туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади. Туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар қабул қилиб олинishiда аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги текширилади.

Туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига фуқаронинг ёши, ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсияси олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган сана ҳисобланади. Туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими ариза олинган ва рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида тегишли шакл бўйича жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномани беради. Ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлашда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада тўловларнинг бошланиш ва тугаш муддатлари кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчида фуқаронинг ёши, ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи йўқлиги муносабати билан гувоҳнома бериш рад этилган тақдирда, туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими ариза олинган кундан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчига рад этиш сабаблари ва шикоят қилиш тартиби кўрсатилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги хабарномани юборади (беради).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчиларга гувоҳномани уларнинг аризаси асосида шахсан беради, гувоҳнома олувчиларнинг яшаш жойи ўзгарганда ҳам амал қилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг энг кам ёки энг кўп миқдорини белгилаш назарда тутилмайди.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган барча маблағларни бир йўла олишда тўловлар жамғарилган пенсия тўловларини олиш вақтида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар доирасида тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўлиб-бўлиб олинган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган жамғарилган сумма жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи ушбу тўловларни олишни ҳохлайдиган ойлар сонига бўлинади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш даври ва даврийлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи томонидан белгиланади ва чекланмайди.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловлар тўлов тайинланган календар ойдан кейинги ойда амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бўлиб-бўлиб олишда жорий тўловлар миқдори иккинчи календар йилдан бошлаб қуйидаги тартибда белгиланади: а) тўлов бошланган йилдан кейинги календар йилдан бошлаб шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори ҳар қайси календар йил учун алоҳида-алоҳида белгиланади; б) ҳар қайси календар йил учун тўловлар миқдорини белгилашда ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларнинг календар йил бошидаги ҳолатига кўра қолдиғи ҳамда ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамланган, олдинги календар йил мобайнида олинган пенсия жамғармаларини инвеститсиялашдан фоизлар ҳисобга олинади. Ҳар қайси календар йил учун белгиланадиган ҳар ойлик тўлов миқдори қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$П = (ПЖҚ + ФД)/(Н-Нп) \quad (2.1)$$

Бу эрда: П – жорий календар йил учун белгиланган ҳар ойлик тўлов миқдори; ПЖҚ – пенсия жамғармасини жойлаштиришдан олинган, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига илгари ўтказилган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тўланадиган қисмида акс эттирилган пенсия жамғармасининг олдинги йил охиридаги қолдиғи; ФД – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларнинг олдинги календар йил учун қолдиғига ҳисоблаб чиқарилган фоизли даромад; Н – тўловларни олиш ойларининг сони; Нп – тўловларнинг биринчи ойдан бошлаб жорий календар йил бошигача пенсия олиб бўлинган ойлар сони.

Пенсия жамғармаси инвеститсияларидан фоизли даромад (ФД) Халқ банки томонидан, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган амалдаги даромадлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади, бунда Халқ банкининг белгиланган маржаси чегириб

ташланади, маржанинг миқдори Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини тўлаш юзасидан шартнома тузиш туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан берилган гувоҳнома ҳамда оловчи томонидан шахсан кўрсатиладиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси асосида яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади. Халқ банкининг филиали билан оловчи ўртасида тегишли шакл бўйича тузилган шартнома шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан маблағларни тўлаш учун асос ҳисобланади. Шартнома тузиш вақтида Халқ банки филиали жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчига унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини муфассал тушунтириши шарт.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари оловчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади. Холисона сабабларга кўра оловчининг Халқ банки филиалига келиш имконияти бўлмаган тақдирда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчининг уйига этказиб бериш Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади. Тўловларни этказиб бериш ҳақи Халқ банки томонидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш бўйича оператсия ҳаражатлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бевосита шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи эгаларига, улар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда амалга оширилади. Яшаш жойи ёки паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчи бу тўғрида Халқ банки филиалини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Халқ банки филиали тегишли ўзгартиришларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг

умумий қисмига белгиланган тартибда киритади. Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ҳамда меросхўрга бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

- тўловларни олувчи шахсий жамғариб борилган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;


- давлат пенсияси олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг амалга оширилишини назорат қилиш Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўлов жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўхтатиб қўйилганда ёки у тўланмаганда ёхуд тўлов тартиби ва унинг миқдори бўйича низоли масалалар пайдо бўлганда олувчи туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига, унинг юқори ташкилотига, Халқ банкининг ҳудудий бошқармасига ва бошқарувига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла тўлаш амалга оширилганда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўлов маблағлари мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб беш кун муддатда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қисмларга бўлиб тўланганда, олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлари батамом фойдаланиб бўлингунга қадар ҳар ойда

мобайнида тўлаб борилади. Олувчи вафот этган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг меросхўрларига бир йўла тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Халқ банкининг филиали айби билан ўз вақтида тўланмаганда, филиал олувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши керак бўлган жамғариб бориладиган пенсия тўлови кечиктирилган суммасининг 0,2 фоизи миқдорида, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеня тўлаш Халқ банкининг филиалини жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2050 йилга келиб, Ўзбекистон умумий аҳолиси сонига кекса кишилар улуши 19,4 фоизга этади. 2014 йилда Ўзбекистонда пенсионерлар сони умумий аҳолининг 6,7 фоизини, 2015 йилда 9,1 фоизини ташкил қилган. 2030 йилда ушбу кўрсаткич 11,6 фоизга, 2050 йилда эса 19,4 фоизга этади.



2.6-расм. Ўзбекистонда пенсионерларнинг умумий аҳоли сондаги улуши, %²⁹

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Қуйидаги 2.6-расм орқали эса биз пенсионерларнинг умумий аҳоли сонидagi улушини кўришимиз мумкин. Бу эса бизга юртимизда қанча аҳоли жамғариб бориладиган пенсия тизмига аъзо эканлиги ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Халқ банкининг филиали қайта ташкил этилган, қайта ўзгартирилган ёки тугатилган тақдирда шартноманинг шартларини бажариш бўйича мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ёки Халқ банкининг муассисларига ўтади. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар батамом тугагунга қадар амал қилади.

Хуллас, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

II боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда жорий демографик вазиятларни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда миллий пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия дастурини ривожлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- тақсимланадиган ва жамғариб бориладиган пенсия дастурларини ўзаро уйғунлаштириш;
- фуқароларнинг пенсия суғуртаси бадалини тўлаб бориши узвийлиги ва мақсадли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;
- давлат пенсия тизимида жамғарилиб бориладиган пенсия дастури аҳамиятини уни турли шакллар асосида ташкил этиш орқали ошириб бориш;

- пенсия нафақаларини индексациялаш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уларни меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи билан алоқадорлигини таъминлаш;
- иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этилишини рағбатлантириш;
- хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни инвестицион фаоллигини ошириш;
- хусусий пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1 Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш йўллари

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул кадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан 9 млн. 256 минг 100 нафар фуқаро фойдаланмоқда.³⁰

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи 160,5 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу маблағларнинг 158,5 млрд.сўми банклараро депозитларга ва 2,0 млрд. сўми Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик компаниясига кредит тарзида жойлаштирилган. Шунингдек, тизимга ихтиёрий аъзо бўлган 145,6 мингдан ортиқ иштирокчиларга ҳам улар томонидан кирим қилиб келинаётган бадалларнинг ҳисобварақларига мунтазам ҳисобга киритилиши таъминланиб келинмоқда”. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади. Жамғариб бориладиган

³⁰ www. xb.uz интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда; бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда, давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган. Жамғариладиган пенсия жамғармасига тушумларнинг даромад солиғининг пасайиш ҳисобига кўпайиши Давлат бюджети даромадларини маълум миқдорда камайишига олиб келиши мумкин.

3.1-жадвал

Жамғариладиган пенсия тизимидаги маблағларга фоизлар тўлаш³¹

Йиллар	Мажбурий	Ихтиёрий
2005	10	10
2006	10	10
2007	10	10
2008	10	10
2009	9	9
2010	8	8
2011	8	24
2012	8	24
2013	7	24
2014	9	15
2015	6	9
2016	6	9

Аксинча, жамғариладиган пенсия таъминотида тушумларнинг кўпайиши даромад солиғининг пасайиши ҳисобига юз бермаса, у ҳолда, ажратмаларни тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган тизимлар ўртасида қайта тақсимлашни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий киритилган бадалларига инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромадлар кўшиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26

³¹ www.halkbank.uz интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ноябрдаги 1438-сон Қарорига кўра, ихтиёрий киритилган маблағларга 2011 йилдан бошлаб Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 2 баравари миқдорида даромадлар қўшиб келинмоқда (3.1-жадвал). Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Конституция билан кафолатланиб, бу масала унинг 39-моддасида акс эттирилди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳуқуқий асосини шакллантириш “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан бошланди. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабридаги 595-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги “Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги Низом”, “Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 110-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўлик ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши, жамғариб бориладиган пенсия тизимини афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш, ушбу тизим барқарор

ишлаши учун Халқ банкини босқичма - босқич замонавий компютер техникаси ҳамда дастурлари билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни белгилаб берилди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88- сон ва 282-в сон Қарорлари билан “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди. ЖБПТ маблағлари қуйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин: Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига: ипотека облигацияларига: амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматли қоғозларга: банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга: қонунчиликда белгиланган, мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва Низомнинг 27 - банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга. Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил этилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифалари қуйидагилардан иборат: муддатлилик, қайтаришлилик, даромадлилик ва диверсификациялаш тамойиллари асосида ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини белгилаш: ЖБПТ маблағларининг ҳар бир жойлаштириш объектига жойлаштириладиган энг кўп ҳажмини аниқлаш: ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини рисклар бўйича гуруҳларга ажратиш: ЖБПТ маблағларини жойлаштириш ва инвестиция қилишдан олинган даромаддан Халқ банки оладиган маржа миқдорини белгилаш ва фуқароларнинг шахсий

жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланадиган фоиз ставкасини белгилаш. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг қўшма қарорига асосан “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш, Халқ банкининг ЖБПТ маблағларини жойлаштириш бўйича мажбуриятлари, Халқ банкида ЖБПТ маблағларини ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларига қўйиладиган талаблар, ЖБПТ маблағларини жойлаштиришдан олинладиган маблағларини тақсимлаш қоидалари ўз ифодасини топган. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, жумладан молия воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб беради. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкдаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамланадиган маблағлар йиғиндиси ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштиришда фойдаланиш. Жамғариб бориладиган пенсия тизими мажбуриятларини жойлаштириш тартибини кўриб чиқамиз: Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида ўтказилган маблағлар Халқ банки филиали томонидан махсус транзит ҳисоб рақамида ҳисобга олинади ва кейинчалик Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан 22628 – “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақдаги маблағлар” баланс ҳисоб рақамида жамланиб борилади. Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан жамланган ЖБПТ маблағларининг умумий суммасига ҳамда календар йил давомида жамғариб бориладиган

пенсия тўловларининг мўлжалланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш учун йўналтириладиган бўш маблағлар ҳажми белгиланади; Халк банки филиалларида махсус ҳисобварақлардаги ЖБПТ маблағлари қолдиғи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан бир ой давомида амалга ошириш учун зарур бўлган тўловлар суммасидан кам бўлмаслиги лозим. ЖБПТ маблағларини жойлаштириш Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган квоталарга мувофиқ Халк банки томонидан амалга оширалади. ЖБПТ маблағларини объектлари бўйича жойлаштириш квоталари ҳар чоракда мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарорлари билан тасдиқланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестицион йўналишида фойдаланишда мавжуд бўлган рискларни камайтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- кредит ташкилотининг фаолият олиб бориш бўйича лозим бўлган касбий тажрибага эгалиги;

- активларнинг минимал миқдори, таркиби ва структураси билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятнинг амалга ошириш тажрибасига эга эканлиги;

- кредит ташкилотининг ёки хўжалик юритувчи субъектни хусусий капиталининг минимал миқдори;

- корпоратив қимматли қоғозлар эмитентларинг рентабеллилиги, молиявий барқарорлиги, иш юритиш ва бозордаги фаоллиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан белгиланган бошқа талаблар.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланадиган бошқа объектларга жойлаштиришда уларнинг молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисидаги тасдиқланган аудиторлик хулосаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботи, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштириш тўғрисидаги ариза беришдан олдинги уч йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масаласини батафсил кўриб чиқиш учун

зарур бўлган бошқа хужжатларни тақдим этиши лозим. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадларини тақсимлаш Низом бўйича қуйидагича амалга оширилади: Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад Халқ банки оладиган маржа суммаси чегириб ташлангандан сўнг, ҳар йили йил якунида фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, улардаги мавжуд бўлган қолдиқ миқдори мутаносиб равишда ўтказилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад, Халқ банки маржаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиясига асосан дастлаб – аванс қисми йил бошида 1 февралгача, узил кесил – декабрнинг охириги 10 кунлигида белгиланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинадиган маржани, Халқ банки ва филиаллари орасида тақсимлаш тартиби Халқ банки томонидан белгиланади. Пенсия фондининг инвестицион сиёсати хатарнинг энг паст даражасида энг юқори даромад олишга қаратилиши зарур. Кутилаётган даромадни ололмаслик хатарини икки қисмга ажратиш мумкин:

- бозор хатари, бунда даромаднинг ўзгаришлари барча қимматли қоғозларнинг даромадлилигига бир пайтнинг ўзида таъсир этувчи иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиқади;

- ўзига хос хатар, бунда даромаднинг ўзгариши, муайян компаниягагина тааллуқли бўлган ҳодисалардан келиб чиқади. Қайд этилганидек, қимматли қоғозларнинг характерли хусусияти шундаки, даромад қанчалик юқори бўлса, хатар шунчалик юқори бўлади, энг юқори даромадга эришиш учун банк ўз портфел инвестицияларга қимматли қоғозларни ҳар хил турларини киритади;

- хатар даражаси паст ва барқарор даромадли давлат облигациялари; - акциялар;

- депозит сертификатлари, векселлар;

- ҳосилавий қимматли қоғозлар (фьючерслар, опционлар).Тижорат банклари мутахасислари уларнинг ўзаро нисбати тахминан 50 % бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар;

- давлат облигациялари; 25 % - банкларнинг депозит сертификатлари 10 % - акциялар 10 % - векселлар 5 % ;

- фьючерслар, акционлар. Қимматли қоғозларга инвестициялаш учун пенсия фонди пул маблағлари резервларини вужудга келтиради. Бу маблағлар узок муддатли қимматли қоғозларга, қисқа муддатли операцияларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Инвестициялар учун мўлжалланган маблағларни қандай йўналтирилиши инвестиция сиёсатидаги устувор мақсадга боғлиқ.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг молиявий маблағлари пенсия фонди ихтиёрида ҳам тўпланган. Бу маблағлардан хатарнинг минимал даражасида максимал фойда олиб фойдаланишни таъминланиши зарур. Хатарни пасайтиришнинг энг таъсирчан омили эса активларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестициялашдир. Жамғариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мобайнида тўланган бадаллари миқдорида ҳисобланган фоизни ифода этади. Бир марталик қайта тақсимлашда пенсия тизимидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарма бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира фонди шакллантирилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қўлланиши мавжуд пенсия тизимидаги камчиликларни камайтириш ва унинг афзаллигини кучайтиришга йўналтирилган. Хорижий давлатларда бундай таркибни умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

- давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорида боғлиқ,

иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;

- мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамғарма стажини “тўплаган” кишилар учун давлат бюджетидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;

- тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисоб рақамларни юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

Демак, икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Хорижий давлатларида молиявий бозорнинг маъмурий имкониятлари етарли даражада ривожланган, давлат ва жамғариладиган пенсия фонди фаолиятини тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш имкониятига эга. Ҳозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даромад миқдори кам бўлган баъзи фуқаролар ўзининг барча даромадларини истеъмол қилишга мажбур бўлганлиги сабабли хусусий пенсия тизимига ўта олмайди, бироқ, жамғариш тизимидан бутунлай воз кечиш керак, деган хулоса қилиш ҳам ноўриндир. Республикамизда пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислохотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан: бандлик, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, солиқ, молия ва кредит соҳасидаги ислохотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди”. Пенсия тизими фаолиятини техник модернизация қилиш асосида,

Республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш. Пенсия жамғармаси ўз олдига қўйган устивор вазифалардан биридир. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. “Пенсия” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда ушбу дастурий таъминот республиканинг барча минтақаларида тадбик этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлайди. Мазкур дастурнинг келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этишни қайд этиш мумкин. Бинобарин, 2012-2013 йиллар давомида тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига боғланиш ҳамда ушбу дастурлар билан ўзаро ахборот алмашинув йўналишлари қуйидагилардан иборат. Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари³² :

Тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш; ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш; пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бериладиган пенсия

³² Абдуллаев М. “Замонавий пенсия тизими ва унинг истикболлари”. Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б9.

ҳисобварағларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви; пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш хақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чораларкўрилиши лозим. Бу иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикасида Халқ банки бошқарув жараёнларини автоматлаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон ҳужжат айланмаси тизимини кенгайтириш ва ахборот коммуникация технологиялари тизимини мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тузилди. Чоратадбирлар режасида “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ахборот тизимларини ривожлантириш” бўлимида қуйидагилар кўзда тутилди:

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базаси билан интеграциялаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар туркумини кенгайтириш;

- фуқаролар учун фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурида ўз ҳисоб рақамларини интернет, мобил қурилма, ва SMS лар орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги фойдаланишга топширилган “Электрон реестрларни қабул қилиш” интерактив хизматини ривожлантириш мақсадида, банкда яратилган “Банк иккинчи даражали рўйхатга олиш” тизими базасида электрон рақамли

имзони рўйхатга олиш марказига лицензия олиш ва иш фаолиятини ташкил этиш. Пенсия жамғармалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар оммабоп бўлишининг зарурий шарти тўловлар юқори даражада кафолатланганлигидадир. Шу тариқа, ижтимоий барқарорлик вазифаси амалга оширилмоқда.

3.2 Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш йўналишлари


Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Бунда ҳар битта мамлакатдаги ижтимоий ҳимоя тизими бир-биридан фарқ қилади. Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоянинг асосий хусусияти шундаки, аҳолининг қариган чоғида ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ривожланаётган мамлакатларда эса бу ижтимоий сиёсат бир мунча кенг кўламда олиб борилади. Бунда пенсия ва ижтимоий ҳимоя муаммоларининг ечими қуйидагиларни ўз ичига олади.

- кўп босқичли пенсия тизимини жорий қилиш;
- пенсия бадалларини жорий қилиш ва уни тўлаш тизимини мустахкамлаш;
- яна бир муҳим хусусияти шундаки, бунда пенсия тизими иштирокчилари ўз жамғармаларини ўзи хоҳлаган тармоққа йўналтириши ва бу билан инвестицион рискни ўз бўйнига олиш ҳуқуқи мавжуд, бу орқали пенсия тизими иштирокчиси пенсия тизимида янада фаол рол ўйнайди.

Ривожланган ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Венгрия, Польша, Чехия) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, аҳоли даромадлари дифференциацияси ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида уч даражали пенсия тизимини жорий этиш энг оптимал ечим ҳисобланади. Мамлакатда бозор муносабатларини такомиллаштириш ва ҳалқаро иқтисодий интеграцияни кучайиши молиявий муассасаларда, умуман хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли маблағларга бўлган

талабни кучайтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташласак, муомалага “узун” молиявий ресурсларни таклиф этишда суғурта компаниялари, инвестиция ва пенсия фондлари каби банкдан ташқари молия институтларининг ўрни бекиёсдир. Халқаро амалиётда “узун” пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия фондлари ҳам муҳим молиявий бўғинлардан ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чиққунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин.



3.1-расм. 2015 йилда Ривожланган давлатларда нодавлат Пенсия жамғармалари маблағларининг ЯИМдаги улуши³³

Ривожланган бозорларда 20-асрнинг 70-йилларидан то ҳозирга қадар фаолликнинг ва институционал инвесторлар сонининг ўсиши капитал бозорларининг кенгайиши ва улардаги тузилмавий ўзгаришлар билан

³³ Pensions at Glance; Social Programs throughout the World.

боғлиқ,ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари эса жамғармаларни институционаллаштиришни ошириш ва капитал бозорларини ривожлантириш йўлини танлади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида институционал инвесторлар бошқарувидаги активлар ҳам тез ўсмоқда. Бу кўп жихатдан пенсия таъминотини ислоҳ қилишнинг бошланиши – пенсия жамғармаларини фондлаштириш билан боғлиқ.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг айримларида бошланган пенсия ислохотлари натижасида активларнинг катта миқдори активларни бошқарадиган менежерлар бошқарувига ўтиб кетмоқда. Лотин Америкасида ислохотларни бошлаб берган Чили бу борада етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгра минтақадаги яна бир қанча мамлакатлар унга қўшилди, яқиндагина Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида фондланадиган хусусий мақсадли контрибуцион пенсия тизимлари қабул қилинди. Аммо кўпгина мамлакатлар ҳали ҳам пенсияга яқин ёшдаги ходимлар учун “олаётганда тўлаймиз” тизимини мақбул деб ҳисоблайдилар (жуда бўлмаганда бир муддат ўтиш даври давомида). Лотин Америкаси мамлакатларида хусусий пенсия фондлари бошқарувида бўлган активлар ЯИМнинг 1997 йилда 4% дан 2002 йилда 9% га қадар ўсди. Чилида тўлиқ фондланадиган тизим 22 йил ишлаганидан кейин ЯИМнинг 54% га етди, бошқа мамлакатлар эса ҳали активларни жамғаришнинг илк босқичларида. Бошқарувдаги активлар Мексикада (1997 йилда ЯИМнинг 0,2% ва 2002 йилда 5%), Перуда (1993 йилда 0,1% ва 2002 йилда 8%), Уругвайда (1996 йилда 0,2% ва 2002 йилда 7,2%), Венгрияда (1998 йилда 1,3%, 2002 йилда 4,5%) ва Қозоғистонда (1998 йилда 1,3%, 2002 йилда 6%).

Осиё мамлакатларида пенсия даромади аксарият ҳукумат ҳомийлик қиладиган, стратегияси эҳтиёткор бўлган миллий жамғарма фондлари фаолияти билан таъминланди. Бу минтақа учун Гонконг истисно, унинг мажбурий жамғарма фонди фуқароларга кўп сонли хусусий вакил инвестиция фондларидан ўз пенсия планини танлаб олишга рухсат беради. Аммо бу тизим ҳали бошқарувга ўтадиган катта миқдордаги актив тўплай

олгани йўқ. Малайзия ва Сингапурда эса ҳукумат ишлайдиган фуқаролар учун тўла фондлашган контрибуцион тизимни маблағ билан таъминлайди (муайян даражада бошқаради ҳам). Бу тизимлар жамғаришнинг юқори даражаларига эришди ва бошқарувда бўлган катта миқдордаги активларни тўплади.

Жанубий Кореяда миллий пенсия тизими тўлиқ фондлаштирилган, аммо олдиндан белгилаб қўйилган пенсия планларини таклиф этади ва шу сабабдан бошқа мамлакатларнинг жамғариш даражасига эриша олмади. Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрларига кўра, мажбурий миллий жамғарма фондлари маҳаллий, минтақавий капитал бозорлари ривожига муҳим ҳисса қўшгани йўқ. Бу мамлакатларда фондларни бошқариш стратегияси жуда консерватив. Бунинг сабаби шундаки, активлар ҳукумат қимматли қоғозларига кучли даражада жалб этилган. Жанубий Кореяда Миллий пенсия схемасининг учдан икки қисми бевосита ҳукумат заёмларига йўналтирилади, Сингапурда эса, аксинча, Марказий жамғарма фонди активларининг катта қисми nobзор ҳукумат қимматли қоғозларига инвестиция қилинади.

Россия иқтисодчиларидан СВ. Кадомцева “Государственные финансы” номли ўқув қўлланмасида “Макроиқтисодиётнинг асосий муаммолари ва давлат сектори” номли параграфда айнан давлат пенсия тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масаласига тўхталади. Унинг фикрига кўра, давлат пенсия таъминоти тизимининг амал қилиши хусусий жамғармаларнинг даражасини камайтиради. Хусусий пенсия фонди даромадлари ҳар бир индивидуал шахснинг ишлаш ҳаёти давомида мунтазам равишда тўлаб борган пенсия бадаллари ҳисобланади. Ушбу тизим пенсия фондлари томонидан бошқарилади ва бу қонун билан таъминланган. 1987 йилда иштирокчилар қўшимча ихтиёрий равишда ўзларининг шахсий жамғармасига бадаллар тўлаши мумкинлиги тўғрисида қонун қабул қилинди. 2002 йилда янги қонун кучга кирди ва бунга кўра, бошқарув муассасалар сони кенгайтирилди яъни банклар, суғурта институтлари ва бошқа ваколатли институтлар шулар жумласига киритилди. Пенсия жамғармаси бошқарув

муассасаси томонидан пенсия жамғармалари фаолияти назорат қилинади ва ишлаши таъминланади.

1983 йил 1-январдан кейин меҳнат бозорига кирган ишчилар хусусий пенсия тизимининг иштирок этиши талаб этилади. Давлат хизматчилари ва бошқа давлат ходимлари, шунингдек қуролли кучлар аъзолари бу тизимда иштирок этишдан озод бўлиб, уларнинг ўзларининг пенсия тизими мавжуд.

Ўзини-ўзи иш билан таъминлаган шахсларга (хусусий тадбиркорларга), ишсизлар ва норасмий ишларда ишловчиларга бу тизимда иштирок этиш мажбурий эмас.

Мажбурий бадаллар индивидуал ҳар бир шахс учун ўзларининг шахсий жамғармасига жамланади. Бадаллар иш берувчилар томонидан ишчиларнинг даромад солинадиган маблағларидан чегириб қолинади ва пенсия жамғармасига ўтказилади. Ўртача бадал ставкаси солиқ солинадиган даромаднинг 12.3% ни ташкил этади ва бундан ташқари ихтиёрий пенсия бадалларини тўлаб бориши мумкин.

Ихтиёрий пенсия бадаллари иш берувчилар билан келишилган ҳолда ўтказилади. Ҳозирги кунда пенсия жамғармалари, банклар, махсус фондлар ва суғурта институтлари томонидан бу ихтиёрий бадалларни бошқариш рухсат этилган.

Индивидуал ҳисоб рақамлар хусусий, ихтисослаштирилган пенсия жамғармалари томонидан бошқарилади. Пенсия жамғармалари аъзоларнинг активларининг самарадорлигини ошириш, рискни камайтириш ва етарли даражада қайтишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади. Агар пенсия жамғармаси муваффақиятсизликка учраса, бу пенсия жамғармаси иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатмайди. Балки бошқа бир пенсия жамғармасига йўналтирилади. Фонд бадаллар ва тўловлар ҳақидаги маълумотларни сақлайди, тизим иштирокчиларини бошқарув органи ва аъзолари, суғурта сиёсати ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди.

2002 йил август ойдан бошлаб, пенсия жамғармаси 4 хил турдаги А Б, С ва Д турдаги рисклар даражасига қараб ҳар хил фондларга бўлинди.

Пенсия жамғармасы А фонди қўшимча жамғарма бўлиб, бу мултифонд дейилади. Бу фондлар уларнинг портфелидаги маблағларга мутаносиб равишда табақалаштирилган ўзгарувчан даромад(масалан, қимматли қоғозлар) ва ўзгармас даромад (масалан, кам рискли банк депозитлари, ипотека кредити ва давлат облигациялари). Фондлар рисклилиқ даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хусусий пенсия тизими иштирокчилари қайси фондга пул маблағларини қўйишни ўзлари ихтиёрий равишда танлашади ва бу билан бу тизимда фаол катнашади ва инвестицион рискни ўз бўйнига олади.

Австралия хусусий пенсия тизими ЯИМда юқори кўрсаткични эгаллаган. Ушбу мамлакат пенсия тизимини кўрадиган бўлсак, Австралия аҳолини истефого чиққандан кейин даромад билан таъминлаш мақсадида янги инструкцияларни ишлаб чиқди. Кейинчалик давлат рақобатни ривожлантириш мақсадида ўз олдида бир нечта устувор йўналишларни белгилаб олди. Бунда биринчи қадам хусусий пенсия тизимини ташкил қилиш бўлди. 2005 йил 1-январдан ишчилар хусусий пенсия тизимида иштирок этишни бошладилар.

Австралия пенсия тизими 2 қисмдан иборат:

- Давлат пенсия тизими(Age Pension)
- Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system).

Давлат пенсия тизими аҳолини қариганда минимал пенсия билан таъминлайди. Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system) хусусий секторлар орқали бошқарилади ва шахсий ҳисоб тизими асосида ишлайди. Иш берувчилар ишчи-ходимларининг ҳисобидан бадалларни тўлашда маъсул шахс ҳисбланади. 2005 йил июлда янги қонун жорий қилинди, бунга кўра иш берувчилар ишчи-ходимларнинг бу тизимда мажбурий иштирок этишига маъсул қилиб қўйилди.

Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system) қонун қоидалар асосида бошқарилади. Бу тизимда иштирок этиш мажбурий лекин, бадаллар миқдорини тўлаш жихатдан ихтиёрий ҳисобланади.

Ҳар хил фонд аъзоларининг турланишига асосан Хусусий пенсия (the Superannuation Guarantee system) фондининг 6 бошқарув тури мавжуд:

- Корпоратив фондлар қайсики иш берувчилар ўзларининг ишчи-ходимларининг бу тизимда иштирок этишларига маъсул ҳисобланади;
- Саноат фондлари бунда фақат иш берувчилар катнашади;
- Жамоа хусусий фонлари жамоа хусусий сектор ишчиларини ўз ичига олади;
- Чакана савдо фондлари;
- Ўзини-ўзи бошқариш фондлари;

Чехияда давлат ва хусусий пенсия тизими амал қилади. Аҳолиси тез суръатлар билан кексаяётган бу мамлакатда умр кўриш давомийлиги 2005 йилдан ҳозирга қадар эркаклар учун 7,1 йилга (72,6 ёшдан 79,7 ёшга), аёллар учун 5,1 йилга (79 ёшдан 84,1 ёшга) ортган. Демографик боғлиқлик даражаси (умумий аҳолига нисбатан 65 ёш- дан ошганлар сони) . 2060 йилга бориб, аҳолининг 65 ёшдан юқори қисми сони 1,6 млн. кишидан 3,2 млн. кишигача, 75 ёшдан юқори қисми сони 0,7 млн.дан 2,0 млн. кишигача, 85 ёшдан юқори қисми эса 0,2 млн.кишидан 0,7 млн. кишига ортиши кутилмоқда. Чехия давлатида ҳозирга пайтда бир нафар пенсионерга меҳнатга лаёқатли 1,8 шахс тўғри келади, 2050 йилда бу кўрсаткич 1,2 бўлиши тахмин қилинмоқда. Чехияда давлат пенсия тизими маблағлари иш ҳақидан тўланган суғурта тўловларидан келиб чиқиб, иш берувчи томонидан тўланган суғурта тўловлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар тўловчи тўловлар ҳисобига шакллантирилади. Мамлакатда хусусий пенсия фондларининг фаолияти Молия вазирлиги томонидан назорат қилинишидан мақсад турли хил кўринишдаги рисклардан сақланишдир. Фуқаролар хусусий пенсия жамғармасидаги пулларини 60 ёшдан кейин олиш ҳуқуқига эга. Чехия пенсия таъминотининг 90 фоизидан ортиғи давлат улушига, қолгани хусусий пенсия фондлари ҳиссасига тўғри келади. Давлат ва хусусий пенсия таъминоти узвий боғланган. Хусусий фондларга ўтказиладиган сумманинг лимити 3 фоиз қилиб белгиланган. Хусусий пенсия фондига кириш ихтиёрий, лекин

киргандан кейин пенсия ёшига етгунга қадар мажбурий тўлов амалга оширилади. Фуқаролар бирор хусусий пенсия фондидан бошқа фондга ўтиши ҳар беш йилда бир марта амалга оширилиши мумкин. Чехия пенсия тизимида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилидан фойдаланилади. Пенсия ёшининг ўзгариши бирданига эмас, ижтимоий адолатлилиқни таъминлаш мақсадида аҳолига сезиларли таъсир этмайдиган тартибда амалга оширилмоқда, жумладан, пенсияга чиқиш ёши 2 ойга ошириб борилмоқда.

Бу мамлакатлар пенсия тизими ўрганиш орқали хусусий пенсия тизимининг қуйидаги афзалликларини келтиришимиз мумкин.

Хусусий пенсия тизимининг афзалликлари:

- хусусий пенсия тизими ялпи миллий жамғариш ҳажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига олиб келади;
- хусусий пенсия тизими пенсиялар миқдорини ишловчинин иш ҳақиға ва пенсия жамғармаларининг самарадорлиғига боғлиқ равишда ривожлантириш имконини беради;
- иштирокчилар ихтиёрий равишда пенсия бадалларини тўлайди ва бу маблағлар миқдорини йил давомида ўзгартириш имконияти мавжуд;
- йиғилган жамғарма профессионал мутахасислар томонидан бошқарилади.
- иштирокчилар агар хоҳласа ўзларининг жамғармаларини кузатиб бориш имконияти бор;
- бу тизим доимий равишда давлат томонидан назорат қилиниши;
- иштирокчилар хусусий пенсия фондларининг пенсия режалари билан танишиш имконияти;
- иштирокчилар истефода пайтида ҳам пенсия бадалларини тўлаб боришлари мумкин;
- иштирокчилар пенсия бадалларини тўлашни бирмунча вақт тўхтатиб туришлари мумкин;

- иштирокчилар пенсияга чиқишдан олдин бу тизимдан чиқиш ҳуқуқига эга;
- иштирокчилар қанча вақт бу тизимда иштирок этса, пенсия давомида пенсия миқдори шунча юқори бўлади.

III боб бўйича хулоса

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти соҳасидаги ўзгартиришлар натижасида тизимни мукаммаллаштириш зарур: имтиёзли пенсиялар ва белгиланган муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсиялар бўйича пенсия таъминоти тизимини тартибга солиш; белгиланган муддатдан илгари пенсияга чиқиш тартибини бекор қилиш; ижтимоий тўловлар доирасини кенгайтириш; мажбурий ижтимоий суғурта тўловларни ҳисоб-китоб қилиш базасини кўпайтириш; якка тартибда шахсий ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш. Ривожланган мамлакатларда нодавлат пенсия фондлари тараққий этиб бормоқда. Нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан қафолатланган энг кам миқдордан юқорироқ даромад олиш имконини кўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига егадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қўғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин. Ҳар қандай давлат учун пенсия

жамғармаларининг молиявий имкониятлари муаммоси муҳимдир. ХХІ аср бошларида жаҳон пенсия тизимини ислоҳ қилишда кўплаб давлатлар пенсия чиқиш ёшини ошириш бўйича ишларни амалга оширди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари муддатига кўра, узун молиявий ресурслар сифатида қаралади. Чунки ушбу маблағлар фуқаро пенсия чиққунга қадар инвестицияларга жалб этилиши мумкин. Ҳозирда жамғармани шакллантиришда ихтиёрий бадаллар улуши жиддий салмоққа эга эмас, шу жиҳатдан ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва нодавлат пенсия жамғармалари билан шуғулланувчи молиявий ташкилотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. АТ Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қўйилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда. Республикамизда пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислохотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан: бандлик, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, солиқ, молия ва кредит соҳасидаги ислохотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Таҳлиллар Ўзбекистон жамғариб бориладиган пенсия тизими самарадорлигининг пасайишига олиб келувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- а) жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлигининг инфляция даражасидан пастлиги;
- б) маблағларни жойлаштиришда муқобил манбаларининг мавжуд эмаслиги;
- в) индивидуал пенсия жамғармалари ҳисобларидан маблағларни муддатидан олдин олишнинг мумкин эмаслиги;
- г) АТ Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизимида кўрсатадиган хизматлари билан боғлиқ харажатларининг юқорилиги.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича пенсия тизимининг самарали, молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун қуйидаги талабларга жавоб

бериши лозим: ижтимоий самарали – пенсиялар суғурта қилинган ишловчиларни турмуш даражасини сақлаб қолиш ва суғурта қилинмаганларни камбағаллашувига йўл қўймаслиги лозим; шахсий адолат – пенсиялар меҳнат фаолият жараёнида тўланган суғурта бадаллари миқдорига мутаносиб равишда меҳнат даромадларини йўқотишини қоплаши лозим; иқтисодий қўлайлик – пенсия бадаллари хўжалик субъектлари, фуқаролар учун молиявий жиҳатдан оғир бўлиши керак эмас; суғурта фондларининг молиявий барқарорлиги – узок муддатли истиқболда пенсия тўловлари аниқ ва кафолатланган бўлиши лозим; мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланиши лозим; пенсиянинг таъминланганлиги – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришиш, унинг қиймати пенсия бадаллари қиймати ва тўловининг давомийлигига боғлиқ бўлиши зарур; пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини мунтазам баҳолаб бориш лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим;

2. Ўзбекистонда кўп даражали комбинациялашган пенсия тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ;

3. Нодавлат пенсия фондлари, давлатнинг ижтимоий суғурталаш тизимини такомиллаштириш, мажбурий хусусий пенсия таъминоти каби пенсия тизимини модернизациялашни ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунларни қабул қилиш лозим;

4. Ўзбекистонда пенсияни меҳнат стажига қараб тўлашдан суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш керак.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун нормаларини амалиётга самарали

жорий этиш учун қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим;

6. Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятидан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим;

7. Жаҳонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини Республикамиз амалиётида қўллаш мақсадида аҳоли турмуш даражасини ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тўловлар юқини иш берувчилардан ишчи ва ходимлар зиммасига босқичмабосқич ўтказиш, яъни амалдаги 87:13 нисбатни истиқболда 50:50 нисбатга етказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ;

8. “Бирдамлик” пенсия тизимидан босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва матодологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент.
“Ўзбекистон”. 2008. -40 б.

1.2 Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодексини тасдиқлаш
тўғрисида”ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр.

1.3 Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодексини тасдиқлаш
тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил. 26 декабр.

1.4 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб
бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабр.

1.5 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия
таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил. 3 сентябр.

1.6 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия
таъминоти тўғрисида” ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг
Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон
Республикасининг Қонуни. 2010 йил 26 ноябр.

1.7 “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида” Ўзбекистон
Республикасининг Қонуни. 2012 йил. 5 январ.

1.8 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб
бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь

1.9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-
февралдаги Ўзбекистон Республикасини нада ривожлантириш бўйича
“Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

1.10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22-
августдаги ПФ-4822-сон “Иш ҳаққи,пенсиялар,стипендиялар,ва нафақалар
миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони.

1.11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги РҚ-12-52-сон Қарори.

1.12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йилдиги 2-февралдаги “Иш ҳаққи, пенсиялар, стипендиялар, ва нафақалар тўлаш механизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2753-сонли Қарори.

1.13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017-йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-2753-сонли Қарори

1.14 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 9-мартдаги “Тошкент метрополитенда пенсионерларни бепул ташиш тўғрисида” ги 128-сонли Қарори.

1.15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар тўлаш механизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2826-сонли Қарори.

1.16 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-октябрдаги 490-сонли “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори

1.17 Каримов И.А “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” .-Т.: “Ўзбекистон”, 1995.-245-бет

1.18 Мирзиёев Ш.М. Танқилий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т.: “ Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-104 бет.

1.19 “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 17-декабр

Ф-4760-сон фармойиши, Ўзбекистон Республика қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й.

1.20 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.

1.21 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

1.22 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.

II. Монографиялар, илмий мақола, патент ва илмий тўпламлар

2.1 Антропов В.В. Социальная защита а странах Европейского союза. Монография. -Москва.: Издательство “Экономика” .2006. 173стр

2.2 Мирзамахмудов М.М. Мақсадли жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш. Монография. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2013. 112 б.

2.3.Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. 112 б.

2.4 . Қосимова Г.А Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография . “Иқтисод-молия”. Т., 2014. 118 б.

2.5 Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. “Бозор, пул ва кредит”. -Тошкент. 2012. -№6. – Б.8-12.

2.6 Алимова Г. Ижтимоий суғуртанинг мазмун моҳияти ва назарий асослари. “Биржа Эксперт”. -Тошкент. 2012. №6. – Б.10-12.

2.7 Аллаёров Ш.. Мирзамахмудов М. Пенсия жамғармаси фаолиятининг жаҳон амалиётидаги тараққиёт боскичлари. “Молия”. - Тошкент. 2012. №4. – Б.134-139.

2.8 Ахмедов К., Қосимов С. Инновацион жараёни бошқариш. “Молия”. –Тошкент. 2011. №1. –Б. 104-108.

2.9 Ахмедов М. Иқтисодиётда “узун” молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. “Молия”. -Тошкент. 2012. №2. – Б.129-132.

2.10.Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси “Молия”. – Тошкент, 2010.- № 4.– Б. 21-27.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1 Бочаров В.В, Леонтьев В.Е, Радковская Н.П. Финансы. Учебник.- СПб.: “Питер”. 2009. -400 с.

3.2 . Воҳобов А.В, Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -287б.

3.3 Воҳобов А.В.. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. -Т.: “Шарқ”. 2003. 320 б.

3.4 Вохабов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши.Монография. -Т.: “Молия”. 2002. –Б. 293. 37. Williams M. Government: Cash Management Its Interaction with Other Financial Policies. International Monetary Fund Fiscal Affairs Department Technical Guidance Note. 2010. -201 p.

3.5 . Кадомцева С.В. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: “ИНФРА –М”. 2010. -352 с.

3.6 Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: “Экономика”. 2010. -235стр.

3.7 . Нещитой А.С. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”. 2012. - 336 с

3.8 Поляк Г.Б. Бюджетная система России. Учебник.- М.: “ЮНИТИДАНА”. 2011. -703 с.

3.9 Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций. Учебник.- М.: “ЮНИТИ-ДАНА”. 2011. -463 с.

3.10 Саидов М.Х. Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изохли луғати. -Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”. 2004. - 121б

3.11 Интернет-сайти маълумотлари

www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси)

www.treasury.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги)

www.gov.uz (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали)

www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

www.stat.uz (Ўзбекистон республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси)

www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Қўмитаси)

www.xb.uz (Халқ банки)

www.chelt.ru/2010/8-10/tabah_8-10A.(Внедрение накопительных пенсионных систем: зарубежный опыт)